

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни



виратан деворлар, қаровсиз қолган масжидлар, кўча бўйларидики пасткам дўконлар...

тиривчи марказга айлантирилди: кулланмалар, адабиётлар, кўргазмалар курашлар, кундалик матбуот нашрлари билан...

ЭЛНИ СҮЙГАННИ ЭЛ АРДОҚЛАР

Андижонда бу йил байрамлар кўп бўлди. Андижонда бу йил асрларга татигулик мўъжизалар кўп бўлди...

қиммати камситилган халқ ариза битиб, оддий шифернинг йиллаб ололмади сарсон бўлган халқ бугун ёнғун кураган эришганига имон келтирмоқда...

ХОРИЖИЙ АНДОЗАЛАР АСОСИДА
Юртбошимиз Ислам Каримов кунча сирдарлик сайловчилар вакиллари билан учрашув...

ХОВДАК ЙОДИ
Сурхондарё вилоятидаги йилга 3 тонна йод тайёрлаш қувватига эга бўлган Ховдак йод ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот бера бошлади...

АКАДЕМИЯДА ЭЛЧИХОНА КУНЛАРИ
Айни пайтда Бадий академия маъмурияти билан кўргазмалари ўз мамлакатлари даимоий элчи тўғрисида шартнома тўзмокда...

Мустақил Ўзбекистоннинг тинчлик йўлида собитқадамлик билан бориб, барча соҳаларда бўлиб кетди...

ИНСОНПАРВАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси олимдан чиқариладиган суд ҳукми ана шу устувор тамойилларга асосланган бўлиши шарт...



«ШАРҚ ГУЛИ»НИНГ ЧЕВАРЛАРИ

Пойтахтимизда «Шарқ гули» масъулияти чеklangан жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қўламин кенейди...

Миллий дастур - миллат қаноти КАМОПОТГА БОШЛАЙДИ ИЛМ

«Устоз» республика жамғармаси Сирдарё ва Наманган вилояти маҳаллий ҳокимиятлари қўлағида...

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида ХОНАДОНЛАР ҚАРЗИ ЧЕГИРИБ ТАШЛАНДИ

«Биз яшайётган уйлар 1979 йилда қурилган. Шу ўтган давр мубайнада ва иссиқ сув ва на совуқ сувга эгичиди...

АТОМ - ИНСОНЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физика институтининг илмий-тадқиқот ядро реактори бундан 40 йил муқаддам Марказий Осиёда биринчи бўлиб ишга тушган эди...


Убайдулла МИНГБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси.

Бугун Муҳаммадризо Огаҳий таваллудига 190 йил тўлди

Қолур боқий жаҳон ичра магар СЎЗ...

Хоразм ва Хива заминида яшаган Паҳлавон Маҳмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳроуддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолуддин Румий, Абулқосим ал Хоразмий, Исмомл Журжоний, Сирожиддин Саккокий, Мунис, Огаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола бахши каби ўнлаб ва юзлаб алломалар, шоирлар ва санъаткорлар номини биз— бугунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кўтарамиз.

Ислом КАРИМОВ



ОГАҲИЙ ВА ДАВЛАТЧИЛИК

Муҳаммадризо Огаҳий шоир, тарихнавис, таржимон бўлиши билан бирга давлатчилик бўйича ҳам йирик мутафаккир сиймо эди. Бу борадаги қарашлари унинг давлатшунос эканлигидан далолат беради. Ундаги бундай салоҳиятини шакллантиришга катор омиллар сабаб бўлган. Аввало, у хизмат қилган Хива саройи давлатчиликнинг ўзига хос амалий академияси эди. У ерда Огаҳий давлат арбоби даражасида мартаба ва обрў-эътибор қозонган. Унинг бош мириб давлатчилик хизмат қилгани, маллик уш-шуворо — шоирлар шохи, тарихчилар пешвоси, таржимонлар сарвари, хонларнинг яқин маслаҳатчиси ва хос насихатқўйи бўлгани фикримизнинг яққол далилидир. Огаҳий ўз умри мобайнида бир неча хонларнинг фаолиятига гувоҳ бўлган, бу хонларнинг юксалиши ва инкироз жараёнлари унинг кўз олдига юз берган. Бу Огаҳий давлатчиликнинг ҳаётий сабогини ўргатган. Хоразмшоҳлар давлатчилиги тарихи сабақлари ҳам унинг ижтимоий қарашлари, фикр-ғоя, худосаларининг пишиб етилишига омил бўлган.

Таржимончилик соҳасидаги махсуддор фаолияти ҳам Огаҳийнинг давлатчиликка оид қарашлари шаклланиши ва такомиллашида муҳим хизмат қилган. Аслидаги умумлошма фикр-ғоялар таржима жараёнида таржимоннинг миллий тафаккури билан йўрилган ва миллий ғоя сифатида улашган. Масалан, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асаридagi бир ҳикмати Огаҳий ўзбек тилида қуйидаги шаклда беради: «Уч нимарса уч нимарса-сиз пойдор қолмайсиздур; мол тижорат-сиз, илм баҳс-сиз ва мулк-мамлакат сиз-сиз». Бу ақолий ҳаётий ҳақиқат бир байт шёр билан бадийи талқин ҳам этилади.

Огаҳийнинг шеърий асарларида ҳам бундай давлатчилик ғоялари кенг ўрин тутган. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон соний Феруз тахта муҳимидан айтилган «Оғонома» қасидаси бу жиҳатдан олоҳида аҳамиятга эга. Унда бўлғуси ҳукмдор, аввало, давлат бошқарувидagi энг асосий омиллардан оғоҳ этилади. Булар: ҳиммат, шижоат, адолат, сиебат, жалодат (бардик), гайрат, саховат, ифғат, хилм (юмшоқтаби-атилик), ҳоё, ваъдага вафо айламоқлик, футууват (жовонбардик), соф ният, мурувот, ҳаимят, шариат ҳукмига ривож бермоқ, куйф дордига илож топтомоқ, лутфу карам билан лашкар кўнглини олмақ. Огаҳий таъкидлашчи, ана шу омиллар асосида давлат низоми ва интизом топади. Давлат бошқарувида ана шу омиллар билан бирга унинг инкирозига сабаб бўлувчи кусурлари ҳам батафсил баён этиди. Булар: рафлот (яъни, Оллоҳни шерикдор қилиш), зойиллик, сустлик, шариатни унуттиш, ҳалқ арзини тингловмаслик, жоҳолот, шаҳватпарастлик, фикс-фосод ва бидъатга йўл бермоқ, жабру зулмга мойил бўлимоқ, ҳасислик, боҳиллик, лашқорни тушқун аҳволда қолдириш, айш-чиратга берилиш, кўнгил очишга ружу қўйиш, давлат ва мамлакат аҳолидан беҳабарлик, азизларни ҳалқ ичра хор ва безъибот этиш, безори, баттол одамларга мурувот қўрсатиш, уларни мансобларга кўтариб қувватлантириш, хиёнатор ҳасодқўйларга яқин бўлишдир. Огаҳийнинг оғоҳликка доъват этишича, бу кусурлар давлат ва давлатбоши учун ўта зарорли ҳолда ҳатарилидир.

«Тавъиз ул-ошиқин» девонидagi лирик асарлар таркибидa ҳам Огаҳий давлатчилик қоролорининг мумтоз бадийи тасвири кўришини мумкин. Улар шохбойлар ва шу мавзуга махсус бағишланган асарлар сифатида учрайди. Масалан, машҳур «Устна» радифили ғазалдаги мана бу шохбайи диккатга сазовордир:

*Эй шох, қарам айлар чоғи
Тенг тут ямону яқини
Ким, меҳр нурин тенг тушар
Вайрону обод устна.*

Мазкур байтда миллий давлатчилигимиздаги асосий ғоялардан бири — адолат ғояси илгари сурилган. Яъни, шоир шохга муурожаат қилиб айтдики, оғоб ўз нурини вайронга ва обод маконларга тенг сочгани сингари, ҳукмдор ҳам раҳм-шафқат, ҳиммат-саховат кўрсатганида барча инсонларга баробар муносабатда бўлиши керак. Чунки, тенглик ижтимоий адолатни таъминловчи муҳим омилдир.

Давлатчилик ғояларига махсус бағишланган ғазаллардан бири қуйидагича бошланади:

*Мулку миллатга змин
Улса агар оғоҳлар,
Икки олам обрўйин
Ҳосил этқай шохлар.*

Бу матлабда баён этилган мазмунга кўра, мамлакат ва миллатнинг тинч-осойишталиги, ҳавфсизлигидан оғоҳ бўлган шохлар икки олам обрўйини ҳосил этар экан. Огаҳий кейинги байтларда сабоқ беришича, давлатнинг асосий устулуви, таянчлари хайрихоҳ — азгулик истовчи кишилардан таркиб топилса, бундай давлатнинг касри мустаҳкам бўлади. Пастҳиммат, надон, давлатчилик илmidан беҳабар кишилар ҳукмдорга маддорқ бўлолмайди. Шох ўз атрофида давлатчилик таърибларини яқин билдириган, улуг ва доғишманд кишиларни жиғиллаштирмоғи лозим:

*Мулк умурининг низоми
Биғуси аҳли сипоҳ,
Не билур асқорлар,
Отторлар, жўлоқлар.*

Давлат ва мамлакат ҳаёти, фаолияти, низомини «аҳли сипоҳ» — давлат хизматчилари яқин билдилар. Надон ва худбин кишилар ўзидан бошқани кўра олмайдди. Хар қандай қалотбин кишилар давлат ишларига лойиқ эмас. Чунки уллар эл молини ўз нафсарини қондирши мақсодида турли мошини зийнатларга сарфлашдан бошқа ишга қарайдилар. Агар турли бузуқчи тоифаларга эрк берилса, мамлакат осойишталиги ҳавфу ҳатарда қолади.

Ғазал якунида Огаҳий хушёр ва оғоҳ давлатбошини дуо қилиб қолади:

*Огаҳий, қил шох оғоҳинг
Дуойи давлатин
Ким, онга арқони довлатадур
Ҳама оғоҳлар.*

Шоир шохни шунинг учун дуо қилдики, унинг давлати таянчи бўлган кишиларнинг ҳақмисси оғоҳлар. Шохнинг ўзи эса оғоҳларнинг оғоҳи. Шохки-оғоҳ экан, ғазалининг бошломига байтда айтилгандек, ҳалқ тинч мамлакат осойишта бўлади.

Огаҳий ижодидаги давлатчилик ғоялари катта ҳаётий таърибга махсусли ўлароқ юзага келган. Ушбу ғоялар бугунги миллий давлатчиликнинг учун ҳам муҳимдир.

Нусратулло ЖУМАҲЎЖА,
филология фанлари доктори.

Кавомиддин Муниров 51 йилдирки, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ишлаб келади. Номаълум ишнинг акадeмик Я. Ғуломов раҳбарлигида Огаҳий илмий ва адабий фаолияти бўйича ёзилган. Шоир ижодида бағишланган қатор мақолалари газeта ва журналларда эълон қилинган. «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари», «Огаҳий» номида китоблари chop этилган. Олим бугунги суҳбатимиз ҳам XIX асрда яшаб ижод этган буюк ўзбек шоири, тарихчиси, олими ва таржимони Муҳаммадризо Огаҳий ҳақида.

деб ном берган. Шарқшунослик институтининг кўлемли фондидa шоирнинг икки нусха кўлемда девони сақланмоқда, икки кўлемда девон Санкт-Петербургда ҳам махсуддир. Девон қисқача сўз боши билан бошланиб, шоир унда ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзди. Сўнг унинг ғазаллари берилган. Ана шоирнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган мухаммас, мусаллас, мусамман, рубоий, муаммо, таржебанд, маснавий, қасидалари ҳам девондан жой олган. Девон сўнгида баъзи бир тарихий материал келтирилган.

ЭСКИ ҚИЁТДАГИ ТАРАДУД

Эски Қиёт — Хивадagi тарихий қишлоқ. У дугу бобокалонларнинг Мунис ва Огаҳий дунёга келган, қалом топан табаррук маскан сифатида маълум машҳур. Шу сабабли эндиликда Хоразмга ташиф буюраётган кўнлаб меҳмонлар сайёҳлар бу ерга ҳам қадим рағибда қилишмоқда.

Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги муносабати билан Эски Қиётда кенг кўлемда ободландирилган таъмирлан, қурилиш ишлари амалга оширилди.

Мунис ва унинг амакисодаси Огаҳийнинг ёзма-ён жойлашган қабрлари устидa маҳобатли мақбара қад рoсталди. Эски Қиёт ва ундаги шоир уй-музейини ҳам рoғозлашди.

Уй-музей қайта таъмирланди. Унинг мажбул бағша хониси шоир ҳаёти ва ижодининг турли давриларини ақс эттирийдиган ҳолатда янгидан безатилади. Янги тарихий ашёлар, ранг-тасвир асарлари қўйилди. Танқидчи расмдор Тўра Қўлиев яратган суратлар музейда кенг ўрин ажратилди.

Умумий сатҳи ўттиз икки гектарлик боқча эса сархал мевалик дарактар ўтказилган. Улар орасида танқидчи меҳмонлар томонидан эъланланган алоҳида ҳисобда турлади. Огаҳий ўз кўли билан экан тарихий туг дарахти боё қадрини янада оширган. Бундай шоир ҳайкали ҳам янгидан бунёд этилди. Шоирнинг нақриорлик даври ақс этган сиймосини ўрганишлик танқидчи хайкалтарош Шавкат Усмонов яратди.

Шоирнинг ҳаёти, адабий фаолияти ва тарихий асарлари ҳақида мақолалар эълон қилинган бўлса-да, лекин уллар ҳали Огаҳийнинг улкан сўз устаси

Сўхбатимизни Огаҳийнинг ўзи ёзган тарихий асарлари ва уларнинг аҳамияти бекиёсидан бошла тутаёс.

Шоирнинг тарихий асарлари ҳақида гап кетар экан, Мунис, Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёний ўз замонасининг таланти тарихчиси эканлиги, уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги, яъни улар бир-бирлари ишларининг давомчилари эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Уновлон Хоразм ва унга қўшни ўлкаларда яшовчи халқлар тарихини ўрганишда бой материал берувчи бир неча қимматли тарихий асарлар яратди. Чунки, Огаҳий Мунис томонидан ёзилган ва тамомланиб қолган «Фирдавс ул-икбол» асарини ёш туталлади. Сўнгра эса беш хонга — Оллоқулхон, Раҳимқулхон, Муҳаммад Аминхон, Сайид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон II (тахаллуси Феруз) атаб қуйилган тарихий асарларини ёзди. Улар «Риёз ул-давлат», «Зублат ул-таовриқ», «Жомий ул-воқеоти султоний», «Гулишани давлат» ва «Шоҳид ул-икбол» асарларидир.

«Шоҳид ул-икбол» асарини бизгача дунёда ягона нусхада етиб келган. Ҳозирда у Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда. Чунки, 1873 йили Хива хонлиги чор сулувои томонидан босиб олинганидан кейин Хива хони саройидagi қатор қим-матбаҳо ашёлар қатори, сарой кутубхонасида сақланган «Шоҳид ул-икбол» асарлари ҳам Санкт-Петербургга олиб келинган эди. Бу ҳақида Баёний ўз асаридa шундай дейди: «Яна бир уйда уч юз музайян ёзма китоблар бор эди... Петербургда юборилди...»

Эски қиётликлар юртимиз мустақиллиги шарофати билан ўзлари бунёд этган Огаҳий боғи ва ундаги шоир уй-музейини ҳам рoғозлашди.

Уй-музей қайта таъмирланди. Унинг мажбул бағша хониси шоир ҳаёти ва ижодининг турли давриларини ақс эттирийдиган ҳолатда янгидан безатилади. Янги тарихий ашёлар, ранг-тасвир асарлари қўйилди. Танқидчи расмдор Тўра Қўлиев яратган суратлар музейда кенг ўрин ажратилди.

Умумий сатҳи ўттиз икки гектарлик боқча эса сархал мевалик дарактар ўтказилган. Улар орасида танқидчи меҳмонлар томонидан эъланланган алоҳида ҳисобда турлади. Огаҳий ўз кўли билан экан тарихий туг дарахти боё қадрини янада оширган. Бундай шоир ҳайкали ҳам янгидан бунёд этилди. Шоирнинг нақриорлик даври ақс этган сиймосини ўрганишлик танқидчи хайкалтарош Шавкат Усмонов яратди.

Мазмун академияси ва Урганч давлат университети олимлари Хивада Огаҳий ижодининг бетакрор жиҳатларини ёритувчи халқаро илмий-амалий анжуман ўтказишга катта ҳозирлик қилишди.

Вилоят марказининг Огаҳий ҳайкали қад рoсталган майдон ҳам ўнлаб ҳисобда бунёд қилинди. Бир сўз билан айтганда, бугун Хоразм дерида ана таянганга, ана байрам. Кўнра Хоразм чексиз қувонч ва шодликлар билан ўз фарзанди — Огаҳий таваллудини нишонламоқда.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШОИР ВА ТАРИХЧИ

— Аввало, Огаҳий ижоди ва у яшаган давр ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Хоразм қадим маданият ўчоқларидан ва Урта Осиёдаги энг қадимги ўлкалардан бири бўлибгина қолмай, катта маданият маркази ҳамдир. Огаҳий ана шу заминда туғилиб ўсган. Бу ҳақида Мунис шундай деб ёзди: «Бу йил 1224 (1809) моҳи мажмур, яъни зулқаднийнинг унда, шанба кунин (8 декабр — жума кунин) Эрзиёзбеккаким, фақирнинг инисиладур, ҳазрати ваҳиб атоёт бир фарзанди аржуманд ва валади саодат пайванд ато қилди. Ул... Муҳаммад Риёзбекка мавсум бўлди».

Огаҳийнинг шеърий мероси XIX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда ва ёритишда катта аҳамиятга эга. Унинг девонидa муҳаббат лирикасига оид шеърлар катта ўрин тутлади.

Огаҳий яшаган давр XIX асрнинг I-III чорақларига тўғри келади. У даврда Хива хонлиги тахтида Муҳаммад Раҳим I, Оллоқул, Раҳимқул, Муҳаммад Амин, Абдулло, Қутлукмурод Сайид Муҳаммад ва Муҳаммад Раҳимхон II лар ҳукмронлик қилдилар.

Огаҳийнинг бадийи ва тарихий асарларининг моҳир таржимонини эканлиги ҳақида ҳам фикр билдиришга.

— Шоир қатор бадийи асарларини ўзбек тилига таржима қилиш йўли ҳам ўзбек адабиётини беҳал бойитган. Чунки, у Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Хилолийнинг «Шоҳ ва ғазал асарларини, Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳа», Низомий Ганжавийнинг машҳур «Ҳамса»сида «Ҳафт пайкар» достонларини ўзбек тилига таржима қилган. Булар Шарқшунослик институтининг кўлемли фондидa сақланган.

Огаҳийнинг ҳаёти, ижоди ва бой илмий мероси ҳақида тарихчиларимиз ва адабиётчиларимиз томонидан етарли даражада ўрганилган эмас. Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда ва ёритишда шоир ёган тарихий асарлар ва ўзбек тилига утирган таржималарининг аҳамияти ниҳоятда катта. У устаси Муниснинг ишнинг давом эттирган Огаҳий тарих фани ҳазинаси ва ўзбек адабиётини янги асарлар билан бойитди.

Шоир сифатида юксак бадийи маҳорат билан ёзилган шеърларини ўз ичига олувчи мукамал девон тузиб қолдири.

Таржимон сифатида кўпгина шарҳ тарихчи ва адабларининг тарихий ва адабий асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Огаҳийнинг бадийи ва тарихий асарларининг моҳир таржимонини эканлиги ҳақида ҳам фикр билдиришга.

— Шоир қатор бадийи асарларини ўзбек тилига таржима қилиш йўли ҳам ўзбек адабиётини беҳал бойитган. Чунки, у Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Хилолийнинг «Шоҳ ва ғазал асарларини, Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳа», Низомий Ганжавийнинг машҳур «Ҳамса»сида «Ҳафт пайкар» достонларини ўзбек тилига таржима қилган. Булар Шарқшунослик институтининг кўлемли фондидa сақланган.

Шоир ижодида тарихий асарлар таржималари салмоқини ўзини эгаллабди. У Ҳиндистон подшоҳларидан Муҳаммадшоҳ Аврангзеб замонида яшаган олим Муҳаммад Вориснинг «Зублатул ҳикоят», Кайковуснинг «Кобуснома», Имомиддин Ғиждувонийнинг «Мифтоҳул толибин», Али Кошфийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Муҳаммад Носирнинг «Тарихи Нодрий» асарларини, Хонвалдоҳнинг кўп жилди «Раъзатус сафо» асаридан бир неча жилдини ўзбек тилига

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ» компанияси

Сиз азизларни 1999 йил 21 декабрдан 24 декабргача Тошкент шаҳрида — «Узэкспомарказ»да бўлиб ўтадиган

«АГРО-2000» учинчи халқаро ярмаркасида қатнашишга таклиф этади

Сиз ярмаркада махсудот ишлаб чиқарувчи қорхона ва компаниялар, фирмалар билан турли хил янги узылган мева-сабзавот махсудотлари, мева-сабзавот консервалари, уллардан тайёрланган шарбат ва ичимликлар, қуритилган, ҳамда қадоланган ноз-неъматлар, ноёб мусаллас ва бошқа вино махсудотлари, шампан ва хуштағим шароблар, коньяк ва бальзамларни келишилган нархларда сотиб олиш бўйича шартномалар тузишишгиз мумкин.

Махсудотлар учун ҳақ тўлаш сўмда, АҚШ доллари ёки рублда амалга оширилади.

Махсудотларга қуйидагича ҳақ тўланади: олдиндан ҳақ тўлаш ёки қадриб олинмайдиган аккредитив, тақдирланган ёхуд харидорга хизмат кўрсатувчи банкнинг қафолати.

Харидорлар учун ярмаркада қатнашиш бепул.

Маълумот олиш учун телесфонлар: 144-15-90, 144-07-78, 144-03-57, 144-05-39.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

ОЛАМГА БИР НИГОҲ

ПАНАМА КАНАЛИ ЎЗ ЭГАСИГА ҚАЙТДИ

14 декабр Панама ва Лотин Америкаси ҳақида муҳим тарихий сана бўлиб қолади. Чунки, қарийб бир асрдан буён АҚШ ҳарбийлари назоратида бўлган Панама канали шу кундан бошлаб расмий тариқда Панама иктиёрига ўтди.

1977 йилда Панама ва АҚШ ўртасида «Панама канали ҳақида шартнома» имзоланган эди. Ушбу ҳужжатга биноан, 1999 йил 31 декабрда АҚШнинг энг сунъити аскари Панама ҳудудидан чиқиб кетиши керак.

Панама ҳукумати ушбу тарихий санага бағишлаб, расмий тантина кечасини уюштирди. Унга Испания қироли, Боливия, Колумбия, Коста-Рика, Мексика ва Эквадор президентлари ташиф буюрди. Бироқ тантинанинг асосий иштирокчиси бўлиши кўзда тутилган АҚШ президенти Билл Клинтон ҳамда АҚШ давлат қотиби Маллен Олбрайт турли баҳоналар билан тантинага келмади.

Панама президенти Москосо журналистлар билан учрашувда америкалик меҳмонлар келмаганидан афеус билдирди экан, бу кун икки мамлакат учун ҳам муҳим тарихий сана эканлиги таъкидлади.

Хўш, АҚШ нега Панамадан кетишга унчалик рўйқуш бермапти? Гап шундаки, Панама канали нафақат Лотин Америкаси, балки дунёдаги энг ноёб сув йўллардан биридир. АҚШ маъмурияти учун, ҳарбий нуқтан назардан олиб қараганда, у муҳим стратегик иншоот ҳисобланади. Шундай экан, АҚШ мажмур канал назоратини қўлга олишдан кейин, унга дунёнинг бошқа йирик давлатларидан бири қизиқини, табиий. Бунинг устига, Панама ўз қуролли кучларига ҳам эга эмас.

Панама президенти Москосо АҚШнинг ташивинини турли тушунишни айтар экан, канал бошқаруви Панамага ўтгач, бирорта ҳам компания ёки бирорта ҳам давлат канал бошқарувини ўз қўлига ололмастлигини маълум қилди. Агар, канал атрофида ҳарбий ҳавф тутилгуд бўлса, Панама дуст мамлакатлар қўмағига таянишини таъкидлади. Бундай мамлакатлар сағина эса биринчи навбатда АҚШ, кейин Испания, Мексика ва Чилини қўшиш мумкин.

Панама раҳбарини канал бошқаруви ўз қўлига ўтгач, унинг фаолиятини тартибга солиб туриш учун келаси йилнинг ўзидаёқ, 30 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфланишини билдирди. АҚШ ҳарбийлари бўшатиб кетган базалар эса пикорат ва сайёҳлик мақсадларида фойдаланилади.

Хуллас, икки мамлакат ўртасида бундан салкам чорак аср аввал имзоланган шартнома кучга кирди, АҚШ канал бошқарувини Панама иктиёрига топширди... Бу АҚШдек катта давлат ва армияга ҳам эга бўлмаган Панамадек митти мамлакат нафақат муҳим ҳужжат бўйича шартнома имзолани, балки унга амал қилишини ҳам намайиш этди. АҚШга айрим сиёсий кўзлар мамлакат ҳарбийларининг Панама каналини ташлаб чиқиб кетишига қарши чиқётган бир пайтда мажмур шартноманинг ҳаёти жорий қилиниши Панама учун, суэсиз, сиёсий ютуқдир.

САЙЛОВ ҚАЙТА БЎЛАДИ

Чилида ўтган иккунда кун президент сайлов бўлиб ўтди. Президентликка номзоди қўйилган олти кишидан ҳеч қайси 50 фолидан кўп овоз олмади. Шунинг учун 2000 йилнинг 16 январидa қайта сайлов ўтказишга қарор қилинди. Унда сайловчилардан 47,9 ва 47,5 фолининг овозин олган 61 ёшли Рикардо Лагос ҳамда 46 ёшли Хоакен Лавин иштирок этди. Махаллий кузатувчилар ҳозир бўлаёқ сайловда Р. Лагоснинг қолб келишини таъмин қилишгаётар.

МУҲОЖИРЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

АҚШ соҳил қириқчилари мамлакатта ноқонувий равишда ўтишга уринган кубалик 24 нафар муҳожирни тутиб қолди. Улар Флорида штати соҳили ақинида ҳабсга олинди. Муҳожирлик қизмати маълумотида қурбанилар аёллар ва болалардан. Ҳисоб-китобларга қараганда, ноқонурий йўллар билан АҚШга қаршида уринган кубаликлар сон жорий йилда 1300 кишига етган.

УА ва хорж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«ЖИЗЗАХДА ЗАПРАВКА ҚИЛДИНГИЗМИ?»

ёхуд фолбин усталар хусусида

Яқинда зарурият билан Қўшрабotta боришимга тўғри келди. Ўз машинада зудлик билан йўлга тушдим. Жиззах шаҳрига яқинлашганда узок йўлга яраб деб, ёнилга кўйиш шаҳобчалардан бирига кириб 20 литр бензин харид қилдим. Гарчанд 20 литрга пул тўласамда, бензинни улловчи ускуна кўрсатгичи 18 литрга келиб тўхтади. Операторга эътироз билдирганим, ўшқириб берди: «Тўхмат қилманг ака, пулингизга хиёнат қилмадим».

Эхтимол, ўша ўлчагич ускуна қўрғур бузқудир, деб ўйладим. Қолаверса, шошилишда ади-бади айтишга фурсат ҳам йўқ эди. Хўш ади-бади айтишганда нима ўзгаради? Машина бакига тўшган бензинни ўлчаб бўлармиди?

Хаммасига қўл силтаб, йўлга равона бўлдим. Иштихон туманидаги Митан кўрғонига етганда машина силкина бошлади. Тўхтатиб ёғини текширсам, белгиланган нормадан анча кўтарилиб кетибди. Яқин орадаги устахоналардан бири-

га кириб, дардимни айтганим, ёраб, уларнинг фолбинлигига қойил қолдим.

— Жиззахдан заправка қилдингизми? — деди усталардан бири машина мойини текшира туриб.

— Ха, — дедим ҳеч нарса ни тушунмай.

— Хайрон бўлманг, Жиззахда заправка қилганларнинг хаммаси олдимизга шу дард билан келишади, — деди у бамайлихотир.

Бензини нотоза. Деярли ярми солярка.

— Йўғе, — дейман ёқамни ушлаб, — иймонини емагандир?

— Иймон борми уларда, э... Уста ёмон сўкинди.

Уста қўли куйгудек бўлиб, мойнинг анчасини тўкиб ташлади ва оғохлантирди:

— Иложи бўлса, яқин орада бошқа мой куйиб олинг, анча суюлиб кетибди.

Мен яна хайрон бўлдим. Уларнинг гапига ишонқирамадим.

Эртаси куни Тошкентга кайтаётсам бир йўловчи илтимос оҳангига қўл кўтариб тўхтади. Қўлида бензин идиши, сал нарироқда капоти кўтарилган машина.

— Илтимос ака, яқин орадаги ёнилга кўйиш шаҳобчасига олиб кетинг.

— Ха, бензин тугадими? — сурадим мен.

— Бензин тугамади, ўзим тўкиб ташладим. Жиззахдан бензин олганим, умуман юриб бўлмапти, машинани қўйганим келмади. Яхшиши, Сидарёдан бензин олиб келиб қуяман.

Хайронлигим тагин ошади.

Тошкентга келиб Жиззахдаги бир дўстимга сим қокдим ва бўлган воқеани айтиб бердим. У роса қулди ва қўшиб қўйди:

— Биз томонларга келар бўлсангиз, бак ва канистрани бензинга тўлдириб келинг, йўқса машинадан тезда ажралиб қоласиз.

Ё тавба, булар хаммаси келишим олганим ёки ростданам шунақами? Бу гапларга ҳеи ишонгиси келмайди одамнинг. Ҳатто бу гапни республика «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раҳбарларига айтсам ҳам ишонмасалар керак-ов.

Ё ишонармикан-а?

Сирғап БОЛИЕВ.

«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ

барча манфаатдор корхона ва ташкилотларни «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 2000 йил улгуржи савдоси РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Кўргазмада Сизнинг эътиборингизга факат «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналари ишлаб чиқарган бўз, тайёр ипак ҳамда аралаш матолар, хом ипак толалари ва бошқа маҳсулотлар ўз таннархи бўйича бозор нархларидан анча арзон баҳоларда таклиф этилади.

Кўргазма 1999 йил 15-18 декабр кунлари қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45. (Мўлжал — «Ўзбекенгилсаноат» биноси, «Саодат» савдо маркази қаршида).

ABN-AMRO The Network Bank

Обрў-эътиборли "Еuromoney" молия журнали томонидан АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж. 1999 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб тан олинди.



ABN AMRO BANK

Best Bank in Uzbekistan

Бизнинг ҳамкорликдаги банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал банкнинг тарихи ўтган аср бошдаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатда ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

Биз:

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва миқозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришга;
- «Электрон банк иши (банк-миқоз тизими)» ва пластик карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

СИЗНИ ЎЗ МИҚОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДИМIZ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Фарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-поътез. Телефон: 120-61-41.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Агар сиз ўз фарзандингизга унутилмас Янги йил таассуротларини ҳаля этмоқчи ва уларни эртақларнинг сирли оламига етакламоқчи бўлсангиз, нима қилиш кераклиги тўғрисида бош қотириб ўтирманг. Сизларни бу танвишдан халос этиш учун «Туркистон» саройи қишки таътил кунлари 31 декабрдан 10 январгача «Митти Мук» эртаги асосида Янги йил арчасини тақдим этади. Сизларни ранглар жилоси, фаройиб мусиқа ва сирли совғалар кутмоқда. Болаларга завқ бермоқ учун Корбобони бошлаб биз томон Совғаларни элтар Митти Мук, Бирга бўлинг, қолмасин армон! Томошалар: 11.00, 13.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар «Туркистон» саройи кассаларида сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда. Мурожаат учун телефонлар: 34-99-45, 34-71-39. 2346

ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Ҳар йили футбол мавсуми якунлангандан кейин спорт журналистлари ўртасида сўров ўтказилади. Ва унинг натижаларига кўра энг яхши футболчи, мураббийлар аниқланади. Аввалги мавсумларда В. Кечинов ва О. Шахжи бир мартадан, М. Қосимов ва П. Бугало икки мартадан йилнинг энг яхши футболчиси номига сазовор бўлган эдилар. Бу йилги ана шундай унвон эса «Пахтакор» ва миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Андрей Ақопяншга насиб этди. Йилнинг энг яхши мураббийини аниқлаш анча мушқурак келди. Миллий терма жамоамизнинг Осие чемпионати саралаш учрашувларидаги муваффақиятидан сўнг бу номга Маҳмуд Раҳимов лойиқ топилса керак, деб тахмин қилинганди. Аммо ҳисоб-китоб ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Барчадан кўп овоз олган «Нефтчи» жамоаси бош мураббийи Юрий Саркисян 1999 йилнинг энг яхши тренери деб топилди. Таъкидлаш жоизки, Юрий Вагенович ўтган йили ҳам ана шу номга сазовор бўлган эди.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» муҳбири.

ДИҚҚАТ, ЕНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Ҳурматли ҳамюртлар! Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 декабр кундаги 591-Ф сонли фармойишига асосан, халқ ҳўжалиги ва аҳоли тураржойларида ёнгин хавфсизлиги тадбирларини кўчаитириш мақсадида 15 декабрдан то 15 январгача республикада ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Азиз ватандошлар! Енгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш билан Сиз давлат ва шахсий мулкнингизни ёнгиндан асрашингиз, шунингдек яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вази́рлиги Сизларни ёнгин хавфсизлиги ойлигининг ўтказилишида фаол қатнашингизни сурайди.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ФТИЗИАТРИЯ КАФЕДРАСИ МУДИРИ — Т. Ф. Д. ПРОФЕССОР

ХУШИЯТЛАР ЭЪЛОНИ ЧИҚАРИЛДИ СЎНГ 1 ОЙ ДАВОМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ, ПАРКЕНТ КЎЧАСИ, 51.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Сраҳитдин Сайфутдинович Фаҳрутдиновга қарашли бўлган юмалоқ муҳр йўқоқданлиги туфайли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, Физика-математика ва техника фанлари комплекси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳаққоний аъзоси Қодир Гофурович Буломовга оналари МУҲАММАД АЙНИГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мулофаага кўмиллашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси Ўзбекистон мулофасига кўмиллашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси Абдулазиз Абдуқадировга отаси АБДУҚАҲҲОР ҲОЖИ ОТАНИГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Республика ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк» жамоаси банкнинг масъул ходими Ботиржон Мамажоновга воқодин мухтарамаси РОҲАТОЙ ВА МАМАЖОНОВАНИГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси директор ўринбосари Норишой Жумасга воқодин мухтарамаси РИХСИ АЙНИГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекгидрогеология» Давлат гидрогеология корхонаси жамоаси республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, геология минералогия фанлари доктори, профессор Сайлабхонов МИРЗАЕВИНИГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Қурилиш ва кулол» фирмаси жамоаси ушбу фирма директори Ғайрат Ортиқовга падари бузрукворни, уруш фаҳрийсини ҚУРАТ ОРТИҚОВНИГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. РИЗАЕВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. САФАРОВ, Р. ФАҲХОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙНБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
 Ҳуқуқ — 136-07-94;
 Иқтисодиёт — 136-36-65;
 Қишлоқ ҳўжалиги — 136-37-85;
 Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
 Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
 Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
 Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
 Котибият — 133-10-28;
 Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0911, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАНРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 00.40

1 2 3 4 5 6